

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА КЎП ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Президентининг глобал шерикликлар бўйича махсус вакили Паоло Замполлини қабул қилди.



АҚШ маъмуриятининг юқори мартабали вакили давлатимиз раҳбарига Президент Дональд Трампнинг саммий саломи ва Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан табрикларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Турли даражаларда самарали алоқалар давом этаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Конструктив сиёсий мулоқот ривожланмоқда, фаол парламентлараро алмашинувлар амалга оширилмоқда. Ўтган ойда Конгрессда Ўзбекистон куни доирасидаги тadbирлар ўтказилди, бу йил кузда Кенгайтирилган стратегик шериклик мулоқотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Хавфсизлик соҳасида, терроризм, экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

АҚШ анъанавий равишда Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. 2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга кўпайди. Лойиҳалар портфели 11 миллиард доллардан ошган.

Жорий йил июнь ойида ўтказилган Тошкент инвестиция форумида АҚШнинг 100 дан ортиқ етакчи компаниялари иштирок этди.

Минерал ресурслар, авиация, электротехника, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, молия, инновациялар, таълим ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

“C5+1” формати доирасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Бўлажак мулоқотлар ва қўшма тadbирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Нуқтаи назар

ЎЗБЕКИСТОН – ИОРДАНИЯ: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



Ўзбекистон ва Иордания халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ тарихга эга, ҳар икки давлатни умумий тарихий мерос, кўп асрлик диний ва маданий алмашинув анъаналари бирлаштиради.

Иорданияда маданий ёдгорликлар, кўҳна шаҳарлар кўп. Ўзбекистон ҳам қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби тарихий кентлари билан машҳур. Иордания Яқин Шарқда, Ўзбекистон эса Марказий Осиёда муҳим сиёсий ва иқтисодий марказдир.

Расмий Амман сиёсий жиҳатдан барқарор, тарихий ва маданий меросга бой. Жойлашуви ва ташқи сиёсати уни минтақада муҳим ўринда турадиган мамлакатга айлантирган. Иордания замонавий тараққиётта интилиб, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидан бормоқда.

1993 йилда давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлса, 1994 йил июнида Тошкентда Иордания элчихонаси фаолият бошлаган. Сўнгги йилларда эса икки томонлама алоқалар янги суръатга эга бўлди.

Давоми 2-бетда

Ислохотлар самараси

ЎНТА ТУМАН ВА ШАҲАР КАМБАҒАЛЛИК ҲАМДА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛанаДИ

Шу кунларда “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган байрам шукуҳи мамлакатимиз бўйлаб кезиб юрибди. Бу санани бутун халқимиз кўтаринки кайфиятда кутиб олиши бежиз эмас. Зеро, истиқлол эзгу анъаналаримиз, туйғуларимизга жўшқинлик бағишлайди. Ватаннинг кадр-қимматини янада теран англаб етишга ундайди.

Мустақиллик туфайли эркин, фаровон жамият, демократик давлат барпо этиш йўлида шахдам одимлаб бораётган мамлакатимизда асрга татигулик ўзгаришлар рўй бермоқда. Буни жамиятнинг барча соҳа ва тармоқларидаги муҳим кўрсаткичлар мисолида яққол ҳис этиб турибмиз.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ана шундай муҳим йўналишлардан. Айниқса, сўнгги саккиз йилдаги изчил ислохотлар натижасида бу тизим янгиланишларга юз тутди. Ижтимоий давлат мақомини олган янги Ўзбекистонимизда бу жаҳода тизимли чора-тadbирлар кўрилмоқда.

Хусусан, тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш орқали ишсизликни камайтириш, оилалар фаровонлигини ошириш бўйича кўплаб амалий ишлар бажариляпти. Жумладан, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасига оид ҳуқуқий асослар замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириляпти.

Жумладан, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Давоми 2-бетда

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК ИМКОНИЯТЛАР

ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Мустақиллик бу — ҳуқуқ, ҳар бир халқ учун энг олий қадрият ва улуг неъмат. Чунки ҳар бир халқ, ҳар бир миллат фақат мустақил бўлгандагина ўз тақдирини ўзи белгилаши, келажак тараққиёт йўлини танлаши ва жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодлари, илмий, маданий ва маънавий меросига таяган ҳолда фарзандлари келажаги йўлида озод ва обод ватан барпо этиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Бу шунчаки гап эмас, балки узоқ йиллар давомида юритилган мустамаलाқчилик сиёсатининг асл мақсадига гувоҳ бўлган, уни кўрган ва кўпчилик қатори Ватан мустақиллигини интиқлик билан кутган халқимизнинг хулосасидир.



Мана ўттиз тўрт йилдирки, Ўзбекистонимиз ўзининг миллий суверенитетини мустаҳкамлаб, давлатчилик асосларини такомиллаштирди, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитларни яратди. Ўртимизда адолатли жамият қуриш, инсон манфаатларини устувор қилиш, инсон қадрини улуглаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мустақил миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий пойдевори саналган Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси тарихан жуда қисқа муддатда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Хуллас, мустақилликнинг дастлабки йилларидан унинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Давоми 3-бетда

Кўнгилга яқин гаплар



НАВҚИРОН ЁШИМГА ҚАЙТСАЙДИМ АГАР...

Умр дафтаримнинг ҳар янги саҳифасини очганимда, ўтган кунларимга назар ташлаб, хаёлга толаман. Яратганга шукрлар бўлсинки, умримнинг камолга етган йиллари она Ватанимиз озодликка эришган, ўз тараққиёт йўлини белгилаб олган даврга тўғри келди. Истиқлол берган неъматларни, унинг шарофати билан эришган ютуқларимизни кўриб, қалбим чексиз ғурурга тўлади. Аммо ич-ичимдан бир ўкинч ва армон бош кўтариши ҳам бор гап. Бугунги ёшларга ҳавас билан қараганимда, уларга яратилаётган шароитларни кўз олдимга келтирганимда, беихтиёр навқирон ёшимга қайтсайдим агар деб юбораман.

Давоми 6-бетда

Ташаббуслар қанотида

РАҚАМЛИ ТИББИЁТ

ХАЛҚИМИЗНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

Халқимизда “Соғлиқ — олтиндан қиммат” деган ҳикматли нақл бор. Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакат тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи билимли ва соғлом авлоддир. Ўтган саккиз йилда “Инсон қадри учун” тамойили доирасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан янгилаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва халқимиз манфаатига хизмат қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Жорий йил 19 август куни Президентимиз соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилиш ва тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган тақдироти билан танишиб, соҳа учун узоқ истиқболга қаратилган вазибаларни белгилаб берди. Хусусан, клиник протоколларни халқаро стандартларга мослаштириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, босқичли ва самарали тиббий ёрдам тизимини шакллантириш, тиббиёт олий таълим муассасаларида академик ва дуал имкониятларни кенгайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликда юксак малакага эга кадрлар тайёрлаш шулар жумласидан.

Давоми 5-бетда

ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Давлат хизматлари марказлари ташкил этилганда бу тизимни юртдошларимиз катта мамнуният билан қабул қилганди. Чунки илгари аҳолига бу соҳаларда хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмасди. Одамлар ишини битириш учун бир нечта идора орасида қатнаб, овора бўларди. Шу боис, бу йўналишда замонавий тизимга эҳтиёж катта эди.

Бугун давлат хизматлари марказлари орқали 467 турдаги ҳамда ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 771 турдаги хизматлар кўрсатиляпти. Энди фуқаро давлатга эмас, давлат фуқарога хизмат қилади деган тамойил кенг амал қилмоқда. Ҳозир одамлар навбат олиб, ишини битириб, давлат хизматлари марказидан чиқиб кетгунгача 17-18 дақиқа сарфлайди. Мақсадимиз — ушбу рақамни янада қисқартириш. Бу борада ҳам тегишли ишлар бажарилмоқда.

Жараён соддалаштирилиши натижасида фуқаролар онлайн хизматга ўтмоқда. Бу аҳолининг ахборот технологиялари соҳасидаги билимига ижобий таъсир қилиши баробарида хизматлардан осон фойдаланишни учун ҳар томонлама қўлайлик яратмоқда.

Айни пайтда мазкур ишларни янада такомиллаштириш мақсадида давлат хизматини маҳалла даражасига тушириш бўйича тизимли ишлар қилиняпти. Маҳалла идорасида жойлашган инфокиосклар орқали шундай хизматлар кўрсатиляпти. Бу аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилаш ҳамда бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Мана шундай муҳим ва замонавий соҳада ишлаётганим катта ютуғимдир. Албатта, ҳар бир инсон муайян соҳада ишлар экан, аввало, халққа муносиб хизмат



Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ, Сурхондарё вилояти Ангор тумани давлат хизматлари маркази директори, “Шухрат” медали соҳиб

қилишга интилади. Қолаверса, шу меҳнати ортидан ҳалол ризқ топиб, рўзгор тебратадди, фарзандлар тарбиялаб, бахт-иқболини кўриш орзуси билан яшайди.

Шундай камтарона фаолияти давлати ва халқи томонидан эътироф этилиб, Ватаннинг юксак мукофотига лойиқ кўрилиши инсонга чексиз қувонч ҳада этар экан. Эътибор ва эътироф учун ташаккур, буни оқлаш учун бор билим ва салоҳиятимни ишга солиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қиламан.

ЎЗБЕКИСТОН — ИОРДАНИЯ: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



Наргиза САЛОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Биргина жорий йилда дипломатик паспорт эгалари учун виза режимини бекор қилиш тўғрисидаги битим ҳамда Ташқи ишлар вазириликлари ўртасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳамкорлик дастури имзолангани ўзаро муносабатларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида кўп томонлама форматлардаги иштироки Ўзбекистон — Иордания муносабатларини чуқурлаштириш учун қўшимча платформа яратмоқда.

Икки мамлакатдаги ислохотлар стратегиялари ҳам ўхшаш. Пойтахт шаҳарлар ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилиши ва визасиз режим жорий қилиниши ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

Таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик кўлами кенгайиб бормоқда. Иорданияда таҳсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар сони ортапти. Ўз навбатида, Ўзбекистон ахборот технологиялари, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда алмашинув дастурларини таклиф қилиш орқали иорданиялик талабалар учун имкониятлар яратмоқда. Шубҳасиз, бу сайёҳаракатлар нафақат инсон капиталини ривожлантириш, балки халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам кучли туртки беради.

Сўнгги йилларда ҳар икки мамлакатда ҳам аҳоли барқарорлик, иқтисодий ривожланиш, глобал муаммоларга қарши курашда маданий анъаналарни сақлашни кадрлаб, ўз етакчиларини фаол қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон очиклик ва кўп векторли ташқи сиёсат йўналишини намойиш этмоқда. Охириги йилларда Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўзаро алоқаларимиз фаол ривожланипти. Фикримиз исботини Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар билан 2020-2023 йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб беш баробар ошгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзаро товар айирбошлаш қиймати 2024 йилда қарийб 4,6 миллион АҚШ

долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 4,3 миллион доллар бўлгани савдо-иқтисодий алоқалар кенгайиб бораётганини кўрсатади. Иордания Ўзбекистонга фармацевтика, кимё маҳсулотлари, асбоб-ускуна ва машиналар етказиб бераётган бўлса, Ўзбекистон мис, қуритилган мева, ёнғоқ ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тадбиркорлар ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, тармоқ кўргазмалари, бизнес-форумлар ва савдо миссияларини ташкил этиш бўйича ҳам Ўзбекистон — Иордания ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Иордания, шунингдек, қўлай географик жойлашувидан Ўзбекистон товарларининг Яқин Шарқ ва Шимолӣ Африка бозорларига чиқиши учун хаб сифатида фойдаланишни таклиф қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Регистон майдони каби тарихий меросимиз иорданиялик сайёҳларни ўзига жалб қилади. Улардаги Ўлик денгиз ва Рум Води ҳудуди эса Ўзбеклар учун ноёб тажрибаларни тақдим этади.

Бугун ўзаро ишонч, ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган муносабатлар ўтган 32 йилда ўзининг юқори поғонасига кўтарилди дейиш мумкин. Икки давлат ўртасидаги узоқ муддатли ва кенг қамровли шериклик бундан кейин ҳам халқларимиз манфаати йўлида сезиларли кенгайиб, чуқурлашиб бораверишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Бинобарин, Президентимизнинг таклифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг шу йил 25-26 август кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни бутунлай янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Хусусан, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар чоғида сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинувни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама савдо кўрсаткичларини кarrасига кўпайтириш, қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини амалга оширишга тайёрлик тасдиқланди. Кимё ва тўқимачилик саноати, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, геология, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, туризм ва бошқа тармоқларда кооперацияни кенгайтиришга келишиб олинди.

Икки мамлакатнинг етакчи компания ва ишлаб чиқарувчилари иштирокида Ўзбекистон — Иордания бизнес форуми ўтказилиши ишбилармон доиралар ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилади.

Самарали музокаралар якунида қабул қилинган Шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма баёнот ҳамда 15 та икки томонлама ҳужжат ўзаро шериклик муносабатларини кенгайтиришда янги истикболларни очиб бериш, пировардида давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитган ҳолда, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада юқори босқичга кўтаришга замин яратди.

Давлат ташрифи доирасида Иордания Подшоҳининг Президентимизни “Ан-Наҳда” (Ренессанс) ордени билан тақдирлагани кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги умумий сайёҳаракатларнинг муносиб эътирофи бўлди, десак янглишмаймиз. Ўз навбатида, бу Ўзбекистон ва Иордания халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик рамзи ҳамдир.

Мазкур тарихий ташриф ва самарали музокаралар натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги шериклик даражасига кўтарилди дейишга барча асосимиз бор. Зотан, ташриф чоғида етакчилар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга келишиб олди.

Дипломатик муносабатлар тарихидаги илк олий даражадаги ташриф икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бериш билан бирга мамлакатларимиз ўртасида узилмас ришталар ўрнатилишига кучли туртки беради. Эришилган амалий натижалар эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ва сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш учун шароит яратди.

ЎНТА ТУМАН ВА ШАҲАР КАМБАҒАЛЛИК ҲАМДА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛанади

Зиёдбек ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Ушбу чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 2020 йилдаги 10,5 фоиздан 2025 йил биринчи ярмида 5,1 фоизгача пасайди.

Айни пайтда 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража — 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди, шу асосда ишлар бажарилляпти. Бугунги геосиёсий ўзгаришлар, ўзаро ишонч инқирозни рўй бераётган мураккаб бир даврда бундай мақсад ва режаларни рўёбга чиқариш осон эмас. Аммо инсон қадри барча нарсадан устун қўйилган янги Ўзбекистонда бу борада катъий сиёсий ирода шакллангани, амалий ишлар тизимли асосда ташкил этилаётгани муҳим натижаларга замин яратмоқда.

Хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган “маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида ажратилган кредит ресурслари банклар ва ҳудудлар кесимида тақсимланди. Лойиҳа ишлаб чиқиш, кредит ажратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича туман банк раҳбарига ойма-ой самардорлик кўрсаткичи қўйилди.

Умуман олганда, 2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлиши белгиланиб, шу мақсад йўлида катта-катта лойиҳалар ҳаёта татбиқ этиляпти. Хусусан, бу йил 5 миллион 200 минг кишини банд қилиб, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш, 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиб, экспортни 30 миллиард доллардан ошириш ҳисоб-китоб қилинган.

Бу йўналишда жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар бажарилди. Аҳолига қўлай шароит яратиш, инфратузилма объектиларини қуриш ва таъмирлаш борасида бюджетдан ажратилган маблағдан фойдаланиш бўйича барча чора-тадбирлар аниқ



белгилаб берилгани фаолиятимизни изчил ва самарали ташкил этишда асосий дастуриламал бўлмоқда.

Шу асосда жорий йилнинг ўтган даврида 7590 та камбағал оилага 1518 раҳбар ходим бириктирилиб, 6 ой мазкур оилаларнинг даромадини тиклаш ва камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилди. 38 минг 194 оила “Камбағал оилалар реестри”га киритилиб, 3 тоифага ажратилди ва шу асосда улар билан ишланыпти. Ушбу оилаларга индивидуал режалар асосида 148 мингта хизмат ва ёрдам турли кўрсатилди. Натижада оилалар барқарор даромад манбаига эга бўлди. Ишсизлар меҳнат бозорида талаб юқори касбларга ўқитилди. Ижтимоий ҳимоя ва тиббий кўмакка муҳтожларга

тегишли тартибда кўмак берилди. 400 оиланинг уй-жойи таъмирланди.

Мамлакатимизда юритилаётган бандлик сиёсатининг устувор йўналиши одамларни фақат ишли қилишигина эмас. Оилалар фаровонлигини доимий ошириб бориш, даромадини кўпайтириш, содда қилиб айтганда, халқимизни бой қилишдек эзгу мақсадни кўзлаганмиз. Зеро, халқи ўзига тўқ бўлган юртнинг қудрати ҳам юксак бўлади. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибасида кўриб турибмиз.

Ушбу мақсадга эришиш учун аҳолига тадбиркорлик йўлини чуқур ўргатиш, ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиш орқали даромадини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, хонадонларнинг йиллик даромадини 60-70 миллион сўмга етказиш мақсадида аҳолига “лойиҳа пакетлари” етказиб берилляпти. Мисол учун, Оққўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон маҳалласида яшовчи 12 кишига 325 миллион сўмлик кредит ажратилиб, ҳудуддан оқиб ўтувчи зовурда ўрдақ парваришлаш йўлга қўйилди.

Шу тахлит аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар ҳам тизимли йўлга қўйилган. Жумладан, бу борада оилавий тадбиркорлик, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, “Бизнесга биринчи қадам”, “Маҳалла лойиҳаси” каби

Ислохотлар самараси



дастурлар доирасидаги ишлар кутилган самарани бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу дастурлар доирасида 31,8 миллиард сўмлик кредит ҳисобидан 98,8 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Бу 2024 йилнинг мос даври билан солиштирганда 217 фоиз кўп демакдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида 970 гектар ерда 91 та намунавий лойиҳани амалга ошириш учун 82 та агрегатор жалб қилинди. Натижада 2463 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, аҳоли даромади оширилди. Оғир тоифага киритилган 100 та маҳалладаги 83 та сўғориш лойиҳаси битказилиши натижасида 23 минг хонадонда томорқадан тўлиқ фойдаланишга эришилди.

Умуман, ушбу йўналишдаги ишлар натижасида даромад солиғи тўловчи ходимлар, яъна тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар 2024 йилга нисбатан 184,1 мингта кўпайиб, 1 миллион 216,7 минг нафарга етди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 6 ойида вилоятимизда 323,1 минг кишининг бандлиги таъминланиб, ишсизлик даражаси йил бошидаги 5,7 фоиздан 5,1 фоизга тушди. 22,4 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 8 фоиздан 6 фоизга камайди.

Айни пайтда бу йўналишдаги ишлар изчил давом этапти. Йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган аниқ механизм, молиявий ресурс ва лойиҳалар белгилаб олинган. Хусусан, “Камбағалликдан — фаровонлик сари” дастури доирасида 25,3 мингта оила камбағалликдан

90 та маҳалла саноат, 318 таси хизмат кўрсатиш, 476 таси қишлоқ хўжалиги, 272 таси бошқа йўналишларга ихтисослаштирилади. Оҳангарон, Қибрай, Тошкент, Чиноз, Янгийўл, Оққўрғон, Зангиота, Ўрта Чирчиқ ва Пискент туманларидаги маҳаллаларнинг 56 тасини лимончиликка, 46 тасини узумчиликка, 18 тасини малиначиликка, 10 тасини қарам ва бўлғор қалампири етиштиришга ҳамда 12 тасини кўчатчиликка ихтисослаштириш чоралари кўрилади.

чиқарилади. Бандлик дастурига асосан инвестиция лойиҳалари, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ саноати доимий иш ўринлари орқилиб, 412 минг кишининг бандлиги таъминланади.

Шароити оғир маҳаллалардаги сўғориш қудуқлари ва насосларига қуёш панеллари ўрнатилади. 93 та маҳаллада электр энергияси таъминоти, 86 та маҳаллада ички йўлларни қуриш лойиҳалари якунига етказилиб, фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, 90 та маҳалла саноат, 318 таси хизмат кўрсатиш, 476 таси қишлоқ хўжалиги, 272 таси бошқа йўналишларга ихтисослаштирилади. Оҳангарон, Қибрай, Тошкент, Чиноз, Янгийўл, Оққўрғон, Зангиота, Ўрта Чирчиқ ва Пискент туманларидаги маҳаллаларнинг 56 тасини лимончиликка, 46 тасини узумчиликка, 18 тасини малиначиликка, 10 тасини қарам ва бўлғор қалампири етиштиришга ҳамда 12 тасини кўчатчиликка ихтисослаштириш чоралари кўрилади. 500 доллардан кам даромад топадиган мигрантлар юртга қайтарилиб, доимий иш ўринлари ва тадбиркорлик соҳаларида бандлиги таъминланади.

Ана шундай кенг қамровли чора-тадбирлар ҳисобига йил якунига қадар камбағаллик ва ишсизлик даражасини янада қисқартиришга эришилади. 10 та туман ва шаҳар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



БҮЮК ИМЖОНИЯТЛАР

ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Бошланиш 1-бетда

Фахр-ифтихор манбаи

Мустақиллик халқимизга ўз тақдирига ўзи эгалик қилиш, миллий қадриятларини асраб-авайлаш ва эркин тараққиёт йўлини танлаш имконини берди. Бой берилган миллий давлатчилигимизни тиклаш, халқимизнинг эркинлиги ва суверенитети рамзига айланди. Мустақиллик куни — тинчлик, оқилоллик ва фаровон ҳаётимиз замини, халқимизни бирлаштирувчи, умумий фахр ва ифтихор манбаи бўлгани учун ҳам том маънода халқимизнинг энг улуг, энг азиз умумхалқ байрамига айланди.

Бир нарсани очик тан олиш керак. Ҳеч кимга қарам бўлмаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган мустақил давлатни барпо этиш ҳеч бир мамлакатда осон кечмаган. Айниқса, ёнда “катта оға” бўлиш хоҳишида юрган давлатлар ўзининг империяпарастлик сиёсатидан воз кечмаган бўлса, буни тасаввур этиш қийин эмас.

Шу маънода, Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечиб, давлат бошқарувини босқичма-босқич ислоҳ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бироқ ўтиш даврида турли объектив, субъектив сабаб ва қийинчиликлар тўғрисида давлат олдиндаги муҳим вазифаларнинг ижросини таъминлашда қўлгина муаммоларга дуч келинди. Малакали кадр ва мутахассислар етишмаслиги, тафаккуримиз оқсоқлиги, вазиятнинг мураккаблиги, энг муҳими, етарли тажрибага эга бўлмаганимиз ишимизга ҳар қадамда тўғонқ бўлганини ҳам ҳолисона тан олиш керак.

Шукри, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси тўғрисида Ўзбекистоннинг янги даврига асос солинди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асари муқаддимада баён этилганидек, “Янги Ўзбекистон”ни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий



асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий оғуш-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Тинчлик — энг улуг неъмат

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг амалга

оширилиши жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлмоқда.

Мустақиллик халқимизга тақдим этган энг буюк неъматлардан бири тинчликдир. Тинчлик бор ерда тараққиёт, янгиланиш ва фаровонлик бўлади. Зеро, мустақил иқтисодий сиёсат юритадиган, миллий манфаатларини ҳимоя қила оладиган давлат барҳаётдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам мустақиллик мевасидир. Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқимизнинг турмуш сифатини ошириш доирасида амалга оширилаётган кўлами кенг, самаралари бекиёс ишлар бунга ёрқин далиллардир.

Шу боис, ҳар биримиз истиқлолни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш ва келажақ авлодларга мустақкам мерос қилиб қолдириш учун масъулмиз.

Мустақиллик нафақат миллий суверенитетимиз қафолати, балки тинч ва фаровон ҳаётимизнинг пойдевори ҳамдир.

Янги Ўзбекистоннинг юксак нуфузи

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мустақиллик гоёсини ҳаётга таъбиқ этишда “Янги Ўзбекистон” концепциясини илгари сурди. Бу жараёнда инсон қадрини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш сиёсатимизнинг бош мақсадига айланди.

Шунингдек, ташқи сиёсатда ҳам янги йўналиш очилди: қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик мустақкамланди, дунё миқёсида Ўзбекистоннинг нуфузи ордди.

Жумладан, 2016-2025 йилларда қўйдаги асосий ислохотлар амалга оширилганини эътироф этиш ўринли: 2016-2017 йилларда халқ билан мулоқот ва очиклик сиёсати. Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона фаолияти йўлга қўйилди, фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш имконияти анча кенгайди.

2017-2019 йилларда иқтисодий ислохотлар. Миллий валютанинг эркин конвертацияси жорий этилди, бизнес ва тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилди, солиқ тизими соддалаштирилди.

2019-2021 йилларда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилинди, инсон ҳуқуқлари ва адолатли таъминлашда янги институтлар ишга туширилди. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида давлат дастурлари қабул қилинди.

2021-2023 йилларда Янги Ўзбекистон гоёси асосида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ишлаб чиқилди, давлат бошқарувида рақамли технологиялар жорий этилди, эко-

Дадил қадамлар

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан умумхалқ референдумида янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принциплари асосида республикада ўз миллий давлатчилигини ривожлантириш ва мустақкамлаш йўлидан дадил одимламоқда.

Шу маънода, бугунги глобал сиёсий-ҳуқуқий муҳитда демократик давлатларда бу жараёнларда конституциявий назорат органларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Конституциявий судлар демократик ҳуқуқий давлатнинг институционал пойдевори сифатида фаолият юритиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлиги ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги тўғри ва мувозанатли муносабатларни таъминлашда ҳал қилувчи вазифаларни амалга оширади. Улар нафақат миллий ҳуқуқий тизим қафолатчиси, балки халқаро ҳуқуқий ҳамжамиятда адолат, барқарорлик ва инсон қадрини эъзозлаш каби умуминсоний қадриятларнинг амалга оширишга хизмат қилувчи муҳим институтлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида инсон қадрини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш, адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Айниқса, янги тахрирдаги Конституция юртимизда конституционализмни мустақкамлаш йўлида янги тарихий босқични бошлаб берди. Унда Конституциявий суднинг мақоми, мустақиллиги, фаолиятининг асосий принциплари ва қафолатлари аниқ ва очик ифода этилиб, мазкур органининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдаги роли янада юксак даражага кўтарилди.



Маълумки, инсоният кўп асрлар бурун ҳам жамиятда конституцияга монанд асосий бир ҳужжатга доим эҳтиёж сезган. Уша ҳужжатга барча фуқароларнинг итоатда яшаши жамият тинчлиги, оқилоллиги ва раванқининг муҳим шарти деб қаралган.

Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари бунга яққол мисол бўла олади. Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз даврида муҳим кўламага ҳисобланган “Темур тузуқлари”да эса давлатнинг сиёсий фаолиятидаги йўл-йўриқлар акс этган.

Янги Ўзбекистоннинг янгиланган халқчил Конституцияси, ҳеч шубҳасиз, дунё конституциявий амалиёти тарихида конституциявий ислохотларнинг самараси рўёбга чиққан сиёсий-ҳуқуқий асос — доно ва аҳил халқимизнинг қатъий хоҳиш-иродаси ифода-ланган, ноёб ва муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида эътироф этилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, янги тахрирдаги Конституциянинг чинакам ташаббускори ва муаллифи халқимиздир.

Референдумга қадрар Конституциямизнинг янги тахрири лойиҳасидаги норма ва принциплар мазмун-моҳияти ва мамлакатимиз ривожидидаги аҳамияти юзасидан кенг миқёсда умумхалқ муҳокамаси ташкил этилди. Жараёнда юрт раванқи ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ёшу кексанинг фаол иштирок этиши натижасида янги тахрирдаги Конституцияда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари ўз аксини топди. Натижада ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ишонч билан “Бу — mening Конституциям!” деб айта оладиган даражадаги ноёб ҳужжат вужудга келди. Янги тахрирдаги Конституциянинг муҳим жиҳати унинг барча аҳоли қатламлари манфаатлари ҳамда жамиятдаги хилма-хил қарашларни ўзида мужассам этганидир.

Конституциявий ислохотлар давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги ёндашув



ва фаолият тамойилларини тубдан ўзгартириш учун асос бўлди. Эскича дунёқарашнинг “давлат — жамият — инсон” парадигмаси ўрнига янги Ўзбекистонда “инсон — жамият — давлат” тамойили ўзаро муносабатларнинг мустақкам негизи сифатида янгиланган Конституцияга асос қилиб олинди.

Конституцияда моҳиятига кўра, амалга оширилган конституциявий ислохотларнинг асосий мақсад ва ҳусусиятини намоён қилувчи, давлатчилик мазмунини тубдан ўзгартирган — Ўзбекистоннинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий мақоми мустақкамловчи янги тамойиллар белгиланди.

Шунингдек, конституциявий амалиёти-мизда биринчи мартаба Конституциямизнинг 1-моддасидаги ва 154-моддасининг иккинчи қисмидаги қоидалар қайта кўриб чиқилиш мумкин эмаслиги белгиланган қўйилди. Бу, ўз навбатида, юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий тузумга хос белгиларнинг барқарор ва ўзгармаслигини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлади.

Халқимизнинг розилиги — бош мақсад

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “давлат қонулар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деган сўзлари бево-сита Асосий қонунда акс этган энг муҳим жиҳат — Конституция ва қонуннинг усту-нултиги конституциявий принципнинг аҳамияти ва ўрнини белгиланган беради.

Конституциявий ислохотлар натижасида Конституциявий суднинг ваколатига тааллуқ-ли масалалар доираси кенгайди ва уни кўриб чиқиш механизми, конституциявий одил судловни амалга ошириш қафолатлари янада кучайтирилди.

Конституциявий суд Конституция ва қонун устултиги принципини таъминлаш йў-налишида ўзининг суд мажлисларида Кон-ституцияга мувофиқлигини аниқлаш ва расмий шарҳ бериш юзасидан қарор ва ажримлар қабул қилиш фаолияти ошди.

Конституциявий суд томонидан 411 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шундан 109 қонун (10 халқаро шартнома), Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг ўнлаб фармон ва қарорлари, фармойишлари, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг тегишли қарорлари, Қорақалпоғистон Рес-публикасининг қатор қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бош прокурор буйруқларининг Конституциямизга мослиги ўрганилиб, таҳлил қилинди. Конституциявий судга келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлар тегишли лойиҳалар юзасидан ўттиз-дан ортиқ тақлифлар берилди.

2024 йилда Конституциявий суд кон-ституциявий судлов ишларини юритиш амалиё-тининг умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлис палаталари ва Ўзе-бекистон Республикаси Президентига тақдим этадиган мамлакатдаги конституциявий қо-нунийликнинг ҳолати тўғрисида Ахборот-ни иккинчи мартаба очик суд мажлисида кўриб чиқди. Ахборотда қонунийлигини кучайтириш бўйича аниқланган ўн бешта йўналишда ўн олти тақлиф ва тавсия юбо-рилди.

Бу каби конституциявий механизмлар том маънода инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлатнинг олий мақса-дига эришиш, халқимизни рози қилиш бораси-да бирга ҳаракат қилишга ундамоқда.

2024 йил давомида Конституциявий судга 1858 мурожаат келиб тушган. Шундан олти юзга яқини Конституциявий судга бевосита берилган. Юздан ортиқ фуқаро ва юридик шахслар вакилларининг Конституциявий суд судья ва экспертлари шахсий қабули уюш-тирилган. Мурожаатларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Конституциявий судга муро-жаатлар кўп ҳолларда Конституция, қонунлар нормаларидан ташқари қонуности ҳужжатла-ри юзасидан, шунингдек, умумий юрисдик-ция судларидаги ишлар бўйича қарорларнинг Конституцияга мувофиқлиги, қонунлигини юзасидан келган.

Кейинги йилларда Конституциявий суд фаолиятига замонавий ахборот технология-ларининг кенг жорий этилиши ҳам яхши самара бермоқда. Жумладан, Конституция-вий суднинг расмий сайтида йўлга қўйил-ган “Фуқароларнинг онлайн қабули” теле-грам месенжери орқали олдиндан муддатли аниқ ҳафталик ва ойлик жадаллар асосида фуқаролар бевосита судья ва экспертларга видеоқўнғироқ қилиб, онлайн тарзда ўз му-рожаатига керакли тушунтиришларни оло-моқда. Онлайн қабулнинг йўлга қўйилиши фуқароларга республикаимизнинг истаган ҳудудидан бевосита мурожаат қилиб, ўз-ларини қизиқтирган саволларга судья, экс-перт ва мутахассислардан тўлақонли жавоб олишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ислохотлардан қў-ланган асосий мақсадимиз халқимизни рози қилиш, шунинг учун ҳар бир давлат органи ўз зиммасидаги вазифани сидқидилидан ба-жариши, давлат ва жамият ривож, аҳоли учун барча шароитларни яратиш раҳбарлар-нинг энг устувор вазифаси бўлиши керак-лигини доим таъкидлаб келади. Ислохотла-

римиз, ҳар бир хайрли иш ортида, албатта, инсонлар дардида дармон бўлиш, уларнинг муаммоларига ўз вақтида ижобий ечим то-пиш, ҳаёт сифатини яхшилашдек эзгу мақ-сад бор.

Конституциянинг тўғридан тўғри амал қи-лишда 2023 йил 23 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми томо-нидан “Одил судловни амалга оширишда Ўз-бекистон Республикаси Конституцияси нор-маларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши ҳам катта аҳамият касб этаётгани-ни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ортага қайтмас ислохотлар

Ўзбекистон халқи умумхалқ овози — ре-ферендум орқали янги тахрирдаги Кон-ституцияни қабул қилиши билан янги Ўзе-бекистонда бошланган ислохотларнинг ортага қайтмаслигини яққол тасдиқлади. Эндилқда халқимизнинг эзгу истақларини рўёбга чиқ-аришда шуни билишимиз керакки, энг аввало, Конституциямизнинг асосий қоидаларини ёшларга ўқитишни тўғри ташкил этиш, ик-кинчидан, юртимиздаги ёшу кекса Консти-туцияга таяниб яшаши бутун ҳаётимизнинг бош мезонига айлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим деб ўйлаймиз.

Янги тахрирдаги Конституция қабул қи-лингандан сўнг давлатимиз раҳбари томо-нидан 2023 йил 8 май кунини муҳим ҳужжат — “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғриси-да”ги фармон қабул қилинган эди.

Унда Конституцияни амалга оширишга оид қўллаб қўйиш қафолатида янги тахрир-даги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, барча таълим турлари ва босқичла-рида Конституцияни ўрганиш бўйича ўқув режа ва таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларни янги тахрирдаги Консти-туция норма ва қоидаларига мослаштириш бўйича белгиланган вазифалар мамлакатим-изда ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онгли ва маданиятини янада юксалтириш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқ-моқда.

Дарҳақиқат, Конституцияни ўрганиш бир маротабаги тадбир эмас, у мунтазам ва ти-зимли амалга оширилиши керак, шунда ку-тилган натижага беради. Фармон айнан ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Янги тахрирдаги Конституция асосида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликлар босқичма-босқич янгиланаётгани ҳам қувонarli. Хусусан, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” дарслиги, “Кон-ституцияни ўрганиш” қўлланмаси ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари дарслигини ўқитиш бўйича “Ўқитувчилар учун методик қўлла-ма” китоби янгидан яратилди. Бу жараён да-вом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституция-си давр синоварида сезиларли ривожланиш босқичларини ўтади, мамлакатимизда за-монавий ҳуқуқий асосларни мустақкамлашда улкан аҳамиятга эга.

Бу жараён Ўзбекистонда ҳам дунёда кечаётган конституциявий ривожланиш тенденциялари — демократиянинг ривож-ланиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳокимиятлар бўлиниши ва ўзаро тийиб туриш механизми, глобал стандартлар ва ижтимоий-экологик масалаларга ҳамо-ҳанг равишда ижобий ечим топаётганини кўрсатади.

Конституциявий ислохотларнинг меваси сифатида халқимиз иродаси билан ҳаётимиз-га жорий этилган ушбу ноёб ҳужжатда акс этган “шахс — жамият — давлат” йўсини-даги янги модель миллий қонунчиликка кенг сингдирилмоқда. Айни пайтда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри энг муҳим қадрият сифатида ҳуқуқий амалиётта ва турмуш тарзимида кенг жорий этилмоқ-да. Тинчлик, барқарорлик ва миллий муста-қилликни ҳар томонлама мустақкамлаш учун янги мазмундаги конституциявий тузумни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш-га хизмат қилаётди.



2025 йил 29 август, 178-сон

4

Орамиздаги одамлар

ЖАҲОН БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН ИШБИЛАРМОН АЁЛ

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 7 август куни Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда Нурота туманидаги 10 та маҳаллада 5000 дан зиёд хотин-қиз каштачилик билан шугулланиб, даромад топаётгани, энди бу фаолиятни кенгайтириб, 28 та маҳаллада каштачилик марказлари очилиши режалаштирилгани қайд этилганди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда нуроталик тадбиркор Зарина Ҳамидова билан он-лайн мулоқот қилиб, ҳудудда каштачиликни янада ривожлантириш бўйича таклифларни тинглаган эди. Зарина Ҳамидова айни вақтда Президентимиз қўллаб-қувватлаган таклифлар асосида лойиҳаларини амалга оширишга киришган.

Нурота азалдан нафақат муқаддас қадимжолари, зилол чашмаси, балки хунармандлар юрти сифатида ҳам дунёга донг таратган. Неҳа асрлардан буюн ҳудуд кулоллари, тоштарошлари ҳамда моҳир каштадўзалари халқ амалий санъати бардавонлигини таъминлаб, сайёҳлар орқали дунё халқлари ҳам етказиб бераётир. Замонлар оша давом этиб келаётган миллий хунармандчилик санъати авлоддан авлодга ўтиб келаётган минглаб номодий бойликларимиз қаторида қадим гўшанинг ўтмиши ва бугунги орзу-истакларини ифода этади.

Биргина каштачиликни олсак, айни вақтда Нуротадаги деярли барча хотин-қиз бу хунарни ўзлаштирган. Ҳудудда халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бу санъат тури қўлгул чеварлар томонидан асрлар оша сайқаллаб келинмоқда. Нурота каштачиликнинг яна бир жиҳати бор: ушбу санъат мазкур туманда қадимдан аёлларнинг бандлигини таъминлашдек ижтимоий аҳамият ҳам касб этган. Хунарининг сир-синоати бундан набирага, қайнонадан келинга ўтиб келган. Энг гўзал урф-одатлардан яна бири шуки, ҳар бир оилада сўзана ва кашта мавжуд. Кичик ёшли қиздан ёши катта аёлларгача — барча сўзана ва кашта тикиш кўникмасини эгаллаган.

Зарина Ҳамидова ҳам ёшлигидан ушбу хунарни ўрганиб, моҳир каштадўз бўлиб етишди. Буюртмалари кўпайгач, каштадўзлик бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Дастлабки йилларда тумандаги 10 хотин-қиз билан иш бошлади. Нурота кашталари ва сўзана-ларининг харидори кўп. Айниқса, моҳир хунармандлар тайёрлаган бўлса, буюртмачилари тез кўпаяди. Айнан шу жиҳат Зарина Ҳамидованинг фаолияти янада кенгайишида муҳим омил бўлди.

Бугун “Suzani Zarina” бренди асосчиси Зарина Ҳамидова айланма маблағи миқдори 1,5 миллион сўмга тенг йирик тадбиркорлардан биридир. Корхонада фаолият юритаётган хотин-қизлар ойига 2 миллиондан 12 миллион сўмгача даромад топтомоқда.



Албатта, миллий хунармандчиликнинг ўзига хос тарихи, мактаби ва услублари мавжуд. Кейинги йилларда ана шу бой маданий меросимизни асраб-авайлаш, халқ амалий санъатини янада ривожлантириш мақсадида тегишли фармон ва қарорлар қабул қилиниб, соҳада янги имконият ва имтиёзлар яратилди. Натижада юртимизда миллий хунармандчилик турларини, касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва шу асосда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада Зарина Ҳамидованинг ишлари эътирофга лойиқ. Айни пайтда корхонада касаначилик асосида фаолият юритаётган ишчилари сони 600 нафарни ташкил қилади. Бундан ташқари, Зарина Ҳамидова “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз 90 хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Эътиборлиси, бу хотин-қизлар касаначилик асосида ўз хонадонидида ишлаш билан бирга ҳўжалик юмушлари ҳамда фарзандлар тарбияси билан шугулланиш имкониятига эга.

— Маҳсулотларимизни маҳаллий бозордан ташқари хорижга ҳам экспорт қиламиз, — дейди Зарина Ҳамидова. — АҚШ, Туркия, БАА, Ҳиндистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистондаги ҳамкорларимиз билан шартнома имзолаганимиз. Келгусида тумандаги “Чашма” зиёратгоҳи атрофида “Каштачилик комплекси” ташкил қилишни режалаштирганман. Ушбу тақлифимни бидирганимда давлатимиз раҳбари бу лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувватлади. Мазкур комплексда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун кўргазмалар хонаси, тикув хоналари, болалар боғчаси, гўзаллик салони ва савдо хизматлари шоҳобчалари фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу лойиҳа орқали корхонамиздаги иш ўринлари сони 1000 тага етказиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини эса икки баробар оширишни мақсад қилганимиз.


Тадбиркор фаолияти давомида “устоз-шогирд” аънанасини ҳам давом эттирмоқда. Ундан хунар сирларини ўрганган шогирдлари бугун мустақил иш юритиб, муваффақиятга эришмоқда. Ўтган йили 24 шогирд тайёрлаб, иш бошлашга ёрдам берди.

Зарина Ҳамидованинг тадбиркорлик соҳасидаги муваффақиятлари эътибордан четда қолмади — давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлди. Президентимизнинг жорий йил 18 августдаги “Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида биноан Зарина Ҳамидова “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Мамлакатимизда тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётгани ва яратилаётган имкониятлар туфайли шундай муваффақиятларга эришяпмиз. Маҳсулотларимиз хорижий давлатларда эътироф этилмоқда. Келгусида режаларим кўп. Уларни амалга оширишда ушбу мукофот янада куч беради. Президентимизнинг ишончини оқлаш учун бор кучим ва билимимни сарфлайман, — дейди Зарина Ҳамидова.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳамда ушбу секторларда аёллар иштирокини таъминлаш масалалари иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим шартига айланган. Қолаверса, бу жараён уй бекаси мақомидаги аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги мавқени янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Айни пайтда нуроталик хотин-қизларнинг ҳам биргина каштачилик бора-сидида эришган ютуқлари, кўп йиллик тарихни сайқаллаб, жаҳон аҳли эътиборини тортиб келаётир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Буюк Амир Темур бобомизнинг шундай гапи бор: “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”.



Мамлакатда инвестицияларни кенг жалб қилиш, иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини оширишга қўшган катта ҳиссаси, шунингдек, бизнесда эришаётган салмоқли натижаларимиз ҳамда ижтимоий ҳаётдаги муносиб иштироки учун бир гуруҳ тадбиркорлар Президентимиз фармойиши асосида “Фаол тадбиркор” кўрак нишони билан тақдирланди.

Улар орасида Сурхондарё вилоятида фаолият юритиб, иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлиқни янги bosқичга олиб чиқиш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун олти нафар тадбиркор давлат мукофотлари ва кўрак нишонлари билан тақдирланди.

Улар қаторида Қумқўрғон туманидаги “Жозоба мебель” хусусий корхонаси раҳбари Баҳодир Жўраевнинг фаолияти ҳам эътироф этилди.

Яратилган шароитлар, берилаётган имтиёزلардан унумли фойдаланган қумқўрғонлик Баҳодир Жўраев ҳам мебелсозлик йўналишида ишлаб келяпти. Корхонада айни пайтда 60 хил маҳсулот ишлаб чиқарилиб, нафақат Сурхондарё бўйлаб, балки қўшни вилоятлар ҳамда Тожикистонга ҳам экспорт қилиняпти.



янги муҳит, янги нафас ва янгича қарашлар кириб келади. Бунинг натижасида ҳудудлар иқтисодиёти мустаҳкамланиб, аҳоли бандлиги ҳам таъминланаяпти.

Сурхондарёлик Шерзод Аноров ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланаётган тадбиркорлардан бири. У 2021 йилда қурилиш соҳасига кириб келганди. Айни пайтда у ташкил этган масъулияти чекланган жамият томонидан кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилмоқда.

— Ишбилармон кишига эмин-эркин ишлаши учун шароит яратиб берилса, унинг фаолияти кенгайиб бораверади. Ислохотларнинг илк кунлариданоқ тадбиркорлар билан ҳамфикр бўлиб, иқтисоди қудратли, саноати рақобатбардош, молиявий тизими барқарор, барча соҳалари инвесторлар учун жозибador бўлган янги Ўзбекистонни барпо этишга киришилгани бор гап. Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган тадбиркорлар билан учрашувда бутун республиканинг бизнес вакилларига ўзининг чуқур ва самимий миннатдорлигини изҳор қилди ва байрам билан табрик-лади. Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш бўйича қатор янги ташаббус ва ғояларни илгари



сурдики, бу бизга катта руҳ берди. Инсон ўз ишига меҳр билан ёндашиб, ҳалол ишласа, бунинг ортидан ҳурмат-эътибор ва барака топишини иш фаолиятимиздан ҳам англаб турибмиз, — дейди “Фаол тадбиркор” кўрак нишони соҳиби Шерзод Аноров.

Ҳозирги пайтда унинг раҳбарлигидаги “Меъмор Интер Строй” қурилиш корхонаси томонидан Термиз туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида 16 қаватли уй-жойлар қурилиши амалга оширилмоқда. Корхона қувавти ҳам йил сайин ортиб бораётир. Масалан, у энди ўз фаолиятини бошлаган йилда 100 нафар ишчи-ходим ишлаган бўлса, бугун мазкур рақам 500 дан ошди. Қаҳрамонимиз бу ўсишни тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бора-сидидаги ишлар самараси ўларoқ билади. Янги тақлиф ва ташаббусларнинг татбиқ этилиши эса тадбиркорлар сафрини янада кенгайтириб, улар ўз фаолиятларида эришаётган ютуқлари билан амалга ошири-лаётган ислохотлар рўёбини акс эттиради.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Томорқа — хазина

ҲАР МАВСУМДА 200 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

Ёзёвон туманидаги “Чўлиғулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Мирзаалим Холмирзаев 15 сотихли томорқасидан йилига 4 марта ҳосил етиштириб, 200 миллион сўмдан ортқ даромад олади. Оиладаги тўнчилик-тотувлик, тинчлик ҳаёт, фаровонлик — ҳамжиҳатликда қилинган меҳнат маҳсули.



Чўлиғулистонликлар миришкор томорқачини “Мирзаалим деҳқон” деб таъриф-лайди. Бу бежиз эмас. Томорқа эгаси сархил сабзавот экинлар етиштириш билан чеклан-масдан, бу борадаги иш тажрибаларини ин-тернет тармоқлари орқали бошқалар билан ўртоқлашиб боради. “Мирзаалим деҳқон” YouTube платформасида 150 мингта обу-начиси бор. Унда томорқани мавсумга тай-ёрлаш, уруғ танлаш, экиш, парваришлаш, ҳашаротларга қарши курашиш бора-сидидаги тажрибалари билан ўртоқлашиб, тавсиялар бериб боради.

Айни кунларда томорқадаги тўртинчи ҳосил — аччиқ қалампис бозорга чиқарилаяпти. Томорқада 20 минг тупдан ортқ қалампис кўчати бор. Бир туп қалампирдан ўрта ҳи-собда 1 кило ҳосил териб олинган тақдирда ҳам 2 тоннадан ортқ маҳсулот етиштири-лади. Ҳозир бозорда бир кило қалампирнинг ўртача нархи 5 минг сўм экани ҳисобга оли-нса, келаётган даромад чўгини чамалаш қийин эмас.

— Томорқа — катта хазина. Дуру гавҳар-ларни териб олиш эса хазинабоннинг ўзига боғлиқ. Фақат кунт, меҳнат қилинса бас, —

дейди Мирзаалим ака томорқа юмушлари билан андармон бўлиб. — Томорқадан бир йилда тўрт марта ҳосил оламиз. Қалампир ҳосилини териб олгач, ўрнига саримсоқпиез доналарини қадаймиз, экинлар оралиғига исмалоқ сепа-миз. Исмалоқ — кўклам неъмат-и, эрта баҳорда бозорга олиб чиқамиз. Ундан сўнг саримсоқпиез етилади. Шу йил бир килосини 25 минг сўмдан сотдик. Бу салкам 50 миллион сўм даромад деган. Кўчатлар орасида қалампир етиштирамиз. Бунинг ўзига хос хусусияти бор. Кун иссиғида экин-ган қалампир кўчатларининг қуриб қолиш эҳтимоли катта. Саримсоқпиез повлари уни иссиқ ҳароратдан сақлаб, ривожланишига имкон беради. Натижада ҳосил мўл, сифат-ли бўлади.

Мирзаалим ака етмиш ёшга қаршиаяп-ти, аммо кексаликка бўйин бергани йўқ. Эгاتлар оралаб чарчамайди. Экинларни пар-варишлашда фарзанд ва набираларига бош бўлиб, маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиб келади. Миришкор оилагаги томорқанинг бўш қол-ган бир қарич ери йўқ. Қалампир кўчатлари оралатиб экинган макка, баклажон бозорга чиқариляпти. Томорқа четларига тартиб билан экинган жандик ҳам бозориги. Бир кило маҳсулот улгуриш нархда 10 минг сўмдан со-тиляпти.

— Маҳалламизда боқиманда кайфият-даги оилалар, ишсиз фуқароларни учрат-майсиз, — дейди ҳоким ёрдамчиси Авазбек Сулаймонов. — Чунки ҳар бир оила томор-қадан унумли фойдаланишга ҳаракат қи-лади. Бугунги кунда 769 та хонадон ихтиёрида 47 гектардан ортқ томорқа бор. Айни кунда



Шерзод ҚОРАБОВ оған суратлар.

158 та хонадонда лимончилик йўналишида иссиқхона ташкил этилган. Бир мавсумда 700 тоннадан ортқ лимон териб олинади. Шу кунга қадар иссиқхона ташкил этиш истагини билдирган 58 томорқачига 2 мил-лиард сўм имтиёзли кредит берилди. Бундан кўра, меҳнат миграциясидан қайтган ишсиз ёшлар, хотин-қизларга ижара асосида 48 гектар экин майдонлари ажратиб берил-ган. Бу ерда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида полиз, дуққаки экинлар экиб, даромад олинапти.

Маҳаллада полизчилик йўналишида “Миришкор деҳқон” томорқачилик коопера-цияси ташкил этилди. Бу сархил уруғ, кўчат етиштириш, сотиш ва қайта ишлаш тизи-мини бир мақсад йўлида бирлаштириди. Шу кунга қадар 75 нафар кам таъминланган ва ижтимоий ҳимоя дафтарида киритилганлар кооперация аъзолари бўлиб.

— Ишсизлигим бос, томорқачилик кооперациясига аъзо бўлганман, — дейди Шо-ҳиста Фозилжонов. — Бизга 25 сотик экин майдони ажратилган. Сархил уруғ, экинлар-ни парваришлаш билан боғлиқ агротехник тадбирларни олиб боришимизда коопера-циянинг кўмаги, қўллаб-қувватлаши яхши самара берди. Қовун-тарвузларимиз ҳосилга

этиштириш, сотиш ва қайта ишлаш тизи-мини бир мақсад йўлида бирлаштириди. Шу кунга қадар 75 нафар кам таъминланган ва ижтимоий ҳимоя дафтарида киритилганлар кооперация аъзолари бўлиб.

кирган. Маҳсулотларимизни кооперациянинг ўзи дала бошида сотиб оляпти. Бу жуда катта қўлайликлар берди. Энди мен ишчилар рўй-хатида турмайман.

Тадбиркор Носиржон Мусаевнинг сай-ҳаракати билан 500 тонна сиғимга эга музлат-кич қуриб битказилди. Бу аҳоли томорқаси, фермер ҳўжаликларида етиштирилган сабза-вот ва полиз экинларини узоқ муддат сақлаш, бозор талабларига мос суратларда сотиш имкониятини беради.

Нигора Олимова ташаббуси билан ташкил этилган тикувчилик тармоғида эса касаначи-лик асосида 15 та иш ўрни яратилди. Дурад-гор Элбек Мусаев 120 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига Хитойдан ёғочга гул бо-сиш ускунасини олиб келиб, ишга туширди. “У.Жалилов” номли фермер ҳўжалигида чор-ва наслчилиги йўналишида қўшимча тармоқ ташкил этилди.

Маҳаллада 9 та оилани камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилмоқда. Бугунга қа-дар 4 та оила камбағалликдан чиқарилди. — Уч нафар вояга етмаган фарзандим-нинг бири ногирон, — дейди Санжар Ҳаки-мов. — Ўтган йили 20 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига соғин сиғир сотиб олгандик. Чорвамиз бош сони кўпайди, эҳтиёжимиздан ортиқ сут маҳсулотларини сотиб, даромад оляптим. Ўзим фермер ҳўжалигида ишлаяп-ман. Бугунги кунда оиламизнинг иқтисодий аҳволи тубдан яхшиланди, фаровонлигимиз ошди. Эди биз камбағал оила эмасмиз.

Яхшиси, имкон топиб, чўлини гулистонга айлантирган ажиб қишлоққа бир келинг. Бу ерда томорқа ерларидан самарали фойдала-ниш, янги тажрибаларни омаллаштириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар-га бевосита гувоҳ бўласиз, маҳалла аҳлининг меҳнатқилиғи, миришкорлиғига тасаннолар айтасиз.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Глобллашув ва иқлим ўзгариши шароитида турмуш тарзи тезкор ўзгариб, стресс, гиподинамия ва овқатланиш маданиятидаги хатарлар кучайгани учун “юрагим огрияпти”, “қон босимим ошяпти”, “инсулът ўтказдим” деган гаплар одамлар орасида тобора кўпаймоқда. Шу боис, кардионеврологик касалликларни “профилактика — скрининг — шошилинч ёрдам — реабилитация” занжирини бошлаб бериш устувор аҳамият касб этади. Тақдиротда тақлиф этилган ташаббуслар — 1500 та клиник протоколни янгиллаш, инсулът ва миокард инфарктини эрта аниқлаш, даволашда сунъий интеллектдан фойдаланиш, миллий неврология ҳамда нейрореабилитация амалиётини давлат стандарти даражасида ягона клиник йўриқномаларини жорий этиш, “олтин соат” алгоритмларини тез ёрдамдан бошлаб ангио-



Шухрат БОЙМУРОДОВ,
тиббӣёт фанлари доктори,
профессор

неврология ва кардиология бўлимларидагача узлуксиз татбиқ этиш, телемедицина ва клиник регистрлар орқали тезкор қарор қабул қилиш сифатини оширишни тақозо этади.

Бундай инновацион ёндашувлар биринчи бўғин шифокорларининг хавф омилларини эрта аниқлаш имкониятини кучайтиради, тромбозис ва ангиография каби юқори технологияли даволашни стандартлаштиради, когнитив функцияларни тиклашга қаратилган комплекс реабилитацияни ҳаётга кенг татбиқ этиш имкониятини тақдим этади. Натижада аҳоли саломатлиги мустаҳкамланади, ўлим ва қайта хасталаниш ҳолатлари камаيда, ногиронлик (имконияти чекланганлик) ва меҳнатга лаёқатсизлик кўрсаткичлари пасаяди, соғлиқни сақлаш харажатларининг самарадорлиги эса ошади.

Шу билан бирга, тиббӣёт олий таълими тизими учун янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Айниқса, фаолиятининг янги босқичига қадам қўйган Тошкент давлат тиббӣёт университети ушбу жараёнда етакчи ўринни эгаллаб, замонавий клиник протокол ва алгоритмларни амалиётга жорий этмоқда. Шу билан бирга, сунъий интеллектга асосланган инновацион ёндашувларни татбиқ қилишти ва халқаро стандартларга мос, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўймоқда. Инновацион ёндашув нафақат республика тиббӣётини глобал талабларга мослаштиради, балки таълим ва илмий тадқиқот интеграциясини чуқурлаштиради, хорижий ҳамкорлик асосида мутахассислар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиради ҳамда миллий соғлиқни сақлаш тизимини замонавий стандартлар асосида қайта институционал ташкил этишда малакали кадрлар тайёрлашни долзарб масала сифатида қўймоқда.

Сўнгги саккиз йилда амалга оширилган улкан институционал ислохотлар аҳоли ҳаёти сифатига сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунни қуйидаги рақамлар яққол тасдиқлайди: ўртача умр кўриш давомийлиги 2017 йилда 73,1 йилни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 74,5 йилга етди. Болалар ўлими кўрсаткичи эса 2016 йилда ҳар 1000 чақалоққа 13,5 ҳолатдан 2023 йилга келиб 9,8 ҳолатгача пасайди. Ушбу динамика оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга қаратилган давлат сиёсати самарадорлигини кўрсатади.

Юртимизда тиббӣёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида малакали кадрлар тайёрлаш тизими стратегик устувор йўналиш сифатида белгиланган. Чунки сифатли тиббӣй хизмат, аввало, етарли салоҳиятга эга мутахассислар тайёргарлиги, уларнинг замонавий билим ва амалий кўникмаларга эгалиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббӣй таълим тизими мутлақо янги босқичга кўтарилган. Айни пайтда Ўзбекистонда 11 та давлат тиббӣёт олий таълим муассасаси ҳамда 14 та нодавлат университет соҳа учун кадрлар тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Бу рақам нафақат ОТМлар сонининг кўпайганини, балки таълимга хусусий секторнинг ҳам фаол жалб этилганини аниқлатади.

Тиббӣёт таълимидаги яна бир муҳим қадам халқаро ҳамкорлик ва интеграция



жараёнларидир. Айниқса, Россия, Жанубий Корея, Германия, Беларусь, Туркия, Украина, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша каби мамлакатларнинг 25 та етакчи университети билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари асосида қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди. Улар доирасидаги 12 та бакалаврият, 14 та магистратура, 11 та клиник ординатура йўналишлари фикримиз мисолидир. Бу тиббӣй таълимнинг мазмунини жиҳатдан янгиллашни, халқаро талабларга мос мутахассисларни етиштиришга йўналтирилган тизимли интеграциялашув натижаси.

Россия, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Туркменистон, Қозоғистон ва бошқа 20 дан ортқ мамлакатдан келган 6 мингга яқин хорижлик талаба миллий тиббӣёт таълим тизимининг муҳим бўғинига айланмоқда. Бу эса мамлакатимиз тиббӣй таълимига бўлган



Ташаббуслар қанотида

ХАЛҚИМИЗНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН,
ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

халқаро ишонч ва нуфузнинг ошганини ифода қилади.

Дарвоқе, ўрта бўғин кадрларини тайёрлашда ҳам тизимли ёндашув шакллантирилди. Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ, Абду Али ибн Сино номидаги 74 та жамоат саломатлиги техникуми ташкил этилди. Бу муассасаларда 7 та ихтисослик бўйича тиббӣёт коллежлари базасида қайта шакллантирилган таълим тизими фаолият юритмоқда. Шунингдек, Чилонзордаги Абду Али ибн Сино техникуми негизини Ҳамширалар академияси ва унинг таркибиди Туркиянинг соғлиқ билимлари университети факультети ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, ҳамширалар таълим тизимини халқаро стандартлар асосида трансформациялашга хизмат қилмоқда. Муҳими, амалга оширилаётган ислохотлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат тиббӣёт университетидаги бакалаврият, магистратура, клиник ординатура ва малака ошириш йўналишларига оид 20 га яқин таълим дастури IАAR — Таълим сифатини таъминлаш бўйича мустақил халқаро агентлик томонидан аккредитациядан ўтказилди ва халқаро сертификатларга эга бўлди. Бундай жадал рақамлашув юртимиздаги тиббӣй таълим сифатининг халқаро мезонлар даражасида эканини аниқлатади.

Соҳадаги самарадорлик 2025-2026 йилларда тиббӣёт олий таълимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар соҳа учун юқори билимли, амалий кўникмаларга эга ва халқаро стандартларга мос мутахассислар тайёрлашни таъминлаш имконини беради. Академик ривожланиш соғлиқни сақлаш тизимининг умумий самарадорлиги ва жаҳон стандартлари даражасида тиббӣй хизмат кўрсатишга замин яратиши табиий.

Ислохотлар мезони инсон қадрини улуғлаш, тиббӣй хизматни инсон манфаатига янада яқинлаштиришга, рақамли, сифатли ва адолатли тизимни яратишга йўналтирилди. Бугунги кунда мазкур жараёнлар изчил давом эттирилиб, соғлом ва баркамол миллат барпо этишда стратегик асос сифатида қўрилмоқда.

Тиббӣёт соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида тақдиротда таъкидландики,

ҳар бир вилоятда 2 тадан намунавий туман ёки шаҳар илгор тиббӣй хизмат маркази сифатида шакллантирилади. Шу билан бирга, 7 та ихтисослаштирилган тиббӣёт маркази ва 2 та олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтказилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини тиббӣй хизматлар сифати ва хавфсизлигини оширишга қаратилган стандартлар амалиётга татбиқ қилинади. Патронаж хизматларини кенгайтириш, аҳолини эрта диагностика ва профилактика билан қамраб олиш борасида устувор вазифалар белгиланади. Эришилаётган натижалар давлат раҳбарининг малакали кадрлар тайёрлаш, соҳа инфратузилмасини янгиллаш ва тиббӣётни рақамлаштиришга қаратилган изчил сиёсати ҳамда йўналтирилаётган катта инвестициялар билан узвий боғлиқ. Президентимизнинг доимий эътибори туфайли тиббӣёт олий таълими тизими тубдан янгиланмоқда. Бу жараён Тошкент давлат тиббӣёт университети мисолида яққол кўриниб турибди: таълим жараёни халқаро стандартлар даражасига кўтарилмоқда, клиник протокол ва алгоритмлар амалиётга жорий этилмоқда. Шунингдек, сунъий интеллектга асосланган инновацион ечимлар татбиқ этилиб, илмий тадқиқот ва таълим интеграцияси кучайтириляпти. Бундай ўзгаришлар республика тиббӣётининг глобал талабларга мослашувини тезлаштиради, мутахассислар тайёргарлиги сифатини оширади ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу маънода, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган институционал тиббӣёт ислохотлари Президентимизнинг малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган устувор сиёсати ҳамда тиббӣёт олий таълимининг жаҳон стандартларига интеграция қилиш йўлидаги изчил қадамлари билан чамбарчас боғлиқ.

Йнгилишда Президентимиз профессионал ва олий тиббӣй таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам шундан далолат беради. Тиббӣёт олий таълими олдида институционал ва амалий ривожланишнинг устувор вазифалари қўйилди. Жумладан, Ҳамширалар академиясини Тошкент давлат тиббӣёт университети ҳузуридаги Профессинал тиббӣёт академиясига айлан-

тириш тақлифи билдирилди. Янги академия орқали халқаро ҳамкорлик билан қўшма дастурлар жорий этилади, ҳамширалар NCLEX имтиҳонини асосида халқаро сертификат олиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўналишида қабул квоталари босқичма-босқич оширилиши таълим жараёнида қамров ва сифатни янада яхшилайдди.

Тақдиротда тиббӣёт олий таълими ислохотлари доирасида барча дастурларни халқаро ташкилотлар талаблари асосида аккредитациядан ўтказиш, оилавий тиббӣёт бўйича интеграциялашган таълим дастурини жорий этиш ҳамда бир йиллик интернатура тизимини қайта йўлга қўйиш вазифаси белгилаб берилди. Шунингдек, “бемор ёнида” ўқитиш

ланиш даражаси 100 фоизга етказилди. Шунингдек, қон препаратлари ишлаб чиқариш, қон хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, жумладан, вирусларни инактивация қилиш ва нурлантириш технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Бундай

шартнома асосида технологиялар трансфери механизмларини ривожлантириш режалаштирилган. Фармазотратнинг замонавий тизими татбиқ этиш эса соҳага илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш имконини беради.

“

Тиббӣёт таълимидаги яна бир муҳим қадам халқаро ҳамкорлик ва интеграция жараёнларидир. Айниқса, Россия, Жанубий Корея, Германия, Беларусь, Туркия, Украина, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша каби мамлакатларнинг 25 та етакчи университети билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари асосида қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар тиббӣй хизмат самарадорлиги, соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятли. Бу жараёнда тиббӣёт олий таълими марказий ўрин эгаллаб, малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий салоҳиятни юксалтириш ва халқаро тажриба билан интеграцияни таъминлаш орқали соҳа ривожининг янги босқичига замин яратмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, тиббӣёт кадрларини тайёрлашда замонавий протоколлар ва инновацион ёндашувларни жорий этиш, халқаро тажрибани ўзлаштириш соҳа ривожининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Ҳамширалар академиясини Профессинал тиббӣёт академиясига айлантириш, олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўналишини кенгайтириш, интернатура ва интеграциялашган таълим дастурларини жорий этиш каби ташаббуслар эса тиббӣёт олий таълимида янги босқични бошлаб бермоқда.

Келгусида амалга оширилаётган ислохотлар тиббӣёт олий таълими тизимини халқаро стандартларга тўлиқ мос ҳолда модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва илмий тадқиқот фаолиятини янада кучайтириш имконини яратди. АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар олий тиббӣёт муассасалари билан академик алмашинув дастурларини йўлга қўйиш орқали талабалар ва профессор-ўқитувчилар халқаро майдонда билим ва тажриба орттириши таъминланади. Бу жараён нафақат билим ва кўникмалар алмашинуви, балки қўшма тадқиқотлар, илмий ҳамкорлик ҳамда замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Утган 8 йил ичида тиббӣёт олий таълими муассасаларида “таълим — фан — амалиёт” уйғунлиги кучайиши натижасида ёш мутахассислар назарий билим билан чекланиб қолмасдан, клиник шароитларда амалий кўникмаларга эга бўлмоқда. Бу эса тиббӣёт муассасаларига дуал таълим сифати сезиларли даражада ошишга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда янги босқичга кўтарилишга замин яратди.

Таъкидлаш жоизки, яқин йилларда тиббӣёт олий таълими тизими орқали юзлаб йўналишларга юқори малакали мутахассислар тайёрланиши кутилмоқда. Академик алмашинув ва халқаро резидентура дастурлари доирасида кадрлар клиник протоколлар, инновацион технологиялар ва илгор амалиёт усулларини тўлиқ ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, Тошкент давлат тиббӣёт университети ҳамда ҳудудий тиббӣёт олий ўқув юртилари етакчи хорижий университетлар билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиши орқали Ўзбекистон тиббӣй таълими жаҳоннинг юқори рейтинглиги муассасалари қаторида интеграциялаштириш асосий мақсад қилиб белгиланмоқда.

Халқаро академик интеграция миллий тиббӣёт мактабининг илмий имижини юксалтириш баробарида қўшма тадқиқотлар ва стартап лойиҳалар қўланиши кенгайтиради, янги патентлар ва инновацияларга замин яратди. Бир сўз билан айтганда, “бемор ёнида” ўқитиш усули ҳамда телемедицина имкониятлари талабаларнинг амалий билимларини мустаҳкамлаб, уларни замонавий тиббӣётнинг глобал талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган мутахассис сифатида шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари ташаббус билан амалга оширилаётган улкан ислохотлар тиббӣёт олий таълими тизимини тубдан янгиллаш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари академик тиббӣёт тажрибаси билан чуқур интеграциялашга хизмат қилмоқда. Прогнозларга кўра, истиқболли интеграциялашув келгусида нафақат юқори малакали тиббӣёт кадрларини тайёрлайди, балки Ўзбекистоннинг минтақавий тиббӣй таълим ва илмий марказ сифатида глобал миқёсда нуфузини ошириш, тиббӣёт фанининг инновацион тараққиётини етакчи ўринлардан бирини эгаллаш учун мустаҳкам асос яратди.

“

Яқинда бир маълумотга кўзим тушди. 1991 йилда юртимизда ўртача умр кўриш давомийлиги 66,4 ёшни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 75,1 ёшга етди. Бу мамлакатда сўнгги ўн йилликда соғлиқни сақлаш хизмати, турмуш тарзи ва ижтимоий шароитлар яхшиланишини тасдиқловчи муҳим демографик кўрсаткичдир. Бу ўзгариш Ўзбекистон аҳолиси учун нафақат умр давомийлиги узайганини, балки ҳаёт сифати ошгани ва тиббӣй хизматлар қамрови етарли бўлганини ҳам аниқлатади.

Соғлом турмуш тарзи, хасталикларнинг, хусусан, бирламчи тизимда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва эрта аниқлаш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилгани бунда муҳим омилдир.

Ифтихор

Юксак давлат мукофоти билан тақдирланганим ҳаётимдаги энг қувончли воқеа бўлди. Очиги, асосий мақсадим — одамлар дардида дармон бўлиш, шифо топишига кўмаклашиш. Шу сабаб ўз ишимни севиб бажаришга ҳаракат қилдим. Мукофот олиш ҳаёлимга келмаганди. Президентимиз фармонида биноан тақдирланганлар рўйхатида борлигимни айтишганида бир муддат хаяжонландим. Кичик меҳнатимга катта эътибор қаратилганидан, эътироф этилганимдан бошим қўққа етгани рост. Кўзим олдида беихтиёр қарийб 40 йиллик фаолиятим жонланди. Одамлар дардида дармон бўлишдек улук касб эгаси эканимдан ғурурландим.



Миршавкат АКБАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
соғлиқни сақлаш ходими

ШИФОКОР ЭКАНИМДАН ҒУРУРЛАНДИМ

Кейинги йилларда тиббӣётда кўп яхши ўзгаришлар рўй берди. Тиббӣётни халққа яқинлаштириш, элни рози қилиш, халқимизга сифатли тиббӣй хизмат кўрсатиш, саломатлиқни асраш ва мустаҳкамлаш, умр давомийлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Тизимли ишлар энг чекка ва олис ҳудудлар аҳолисига ҳам етиб боришига устувор аҳамият қаратилди. Тиббӣёт муассасаларининг замонавий бинолари фойдаланишга топширилди. Муассасаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши, кадрлар салоҳияти оширилиши эътиборга молик ўзгаришлардир.

Ҳар йили 100 дан ортқ тиббӣёт ходими дунёнинг етакчи тиббӣёт муассасаларида малака оширади. Иқтидорли, ёш мутахассислар Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия каби соғлиқни сақлаш тизими ривожланган мамлакатларга

ўқишга юборилади. Улар бугун нафақат мамлакат миқёсидаги тиббӣёт марказларида, балки чекка ҳудудлардаги шифохоналарда ҳам юқори технологик тиббӣй муолажалар, жарроҳлик амалиётларини бажармоқда.

Айниқса, энг керакли йўналишлардан бири — органлар трансплантацияси соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур ҳуқуқий-ташқилий асослар яратилди. Бу кўплаб муқтож беморларнинг ўзга юртларга бориб, сарсон-саргардон бўлиши, моддий ва маънавий қийналишига барҳам берди. Бугун нафақат буйрак трансплантацияси, балки жигар кўчириб ўтказиш ҳам кундалик операциялар қаторида тилга олинмоқда.

Шундай операция турлари борки, яқин-яқингача амалга ошира оларимизда деб ўйлардик. Чет элда бўлганимизда “Эҳ, афсус, бизда ҳам шу операциялар

қилинса эди”, дердик. Бугун трансплантология йўналишида шундай операциялар чекка ҳудудларда ҳам қилинмоқда. Нафақат Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббӣёт марказида, балки бошқа кўплаб марказларда ҳам бундай жарроҳлик амалиётлари бажарилляпти. Жараёни тўхтатиб бўлмади. Биз юқори технологик, энг мураккаб амалиётларни халққа яқинлаштиришга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун зарур барча шарт-шароит яратилмоқда.

Бу ўзгаришлар нафақат хирургия, балки кардиология, кардиохирургия, томир хирургияси, эндокардиология, бординг, тиббӣётнинг ҳамма йўналишида кузатилмоқда. Янгиланишларни ҳар бир юртодошимиз ҳис қилмоқда. Хонадонларга малакали, сифатли тиббӣй хизмат кириб боришига интиляпмиз.



НАВҚИРОН ЁШИМГА ҚАЙТСАЙДИМ АГАР...

Кўнгилга яқин гаплар

Фарид УСМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси

Бугунги Ўзбекистон ёшлари — бахтли авлод. Уларнинг олдида барча йўللар очик, барча имкониятлар муҳайё. Улар нимани хоҳласа, қайси соҳани танласа, давлатимиз уларни қўллаб-қувватлашга тайёр. Фан чўққиларини забот этаман деганлар учун замонавий лабораториялар ва кутубхоналар, санъат ва маданият йўлини танлаганларга кўркам саройлар театрлар, ахборот технологиялари билан шуғулланиш истагидагиларга эса инновацион марказлар мунтазир.

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ёшлари учун мисли қўрилмаган имкониятлар эшиги катта очилган. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, ёш авлодга бўлган юксак ишончи туфайли бугунги кун ёшлари бизнинг авлод орзу ҳам қила олмаган шaroитларда камол топмоқда. Президентимизнинг ҳар бир чиқишида ва учрашувида ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб, уларнинг ташвишу муаммоларини тинглаётгани, орзу-истакларини рўбга чиқариш учун барча имкониятларни сафарбар этатгани бежиз эмас. Зотан, жамиятнинг эртанги куни, мамлакатнинг қудрати айнан биллими ва ватанпарвар авлод қўлида эканини чуқур англаган ҳолда бор куч ва салоҳиятни ишга солиш энг тўғри йўлдир. Бугун ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Эсимда, бизнинг давримизда иқтидорли, билимга чанқоқ йигит-қизлар кўп эди, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз салоҳиятини тўлиқ намойён эта олмасди. Хорижда ўқиб, дунёнинг энг нуфузли университетларида тахсил олиш ку, ҳаёдий гап эди. Истеъдодлини жаҳонга кўрсатишга, илмий кашфиёт қилишга қодир бўлган қанчадан қанча тендошларимизнинг орзулари саробга айланганини ўйласам, юрагим эзилди. Бугун эса “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали минглаб ўғил-қизларимиз дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида бепул таълим олмоқда. Улар у ерда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, Ватанимиз равақига ҳисса қўшиш истаги билан ёниб яшаётир. Бу катта бахт эмасми? Зеро, бу ёшларимизнинг келажаги порлоқ, билими ва тафаккури теран бўлишининг мустаҳкам пойдевори саналади. Қолаверса, эндиликда хорижий олийгоҳларнинг ўзи юртимизга кириб келаётгани, пойтахтимиздан тортиб, вилоятларгача нуфузли университетларнинг филиаллари очилаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Бугунги ёшларнинг яна бир ютуғи шундаки, уларнинг қалбида меҳр-оқибат, саховат ва кўн-

гиллилик каби эзгу фазилатлар янада кучлироқ жўш урмоқда. Ёшлар орасида волонтерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёзаётганини, минглаб ёшларнинг ҳеч қандай моддий манфаат кўзламай, жамиятга фойда келтириш ва атрофдагиларга ёрдам қўлини чўзиш йўлида бирлашаётганини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Улар табиий офатлар оқибатларини бартараф этишдан тортиб, кексалар ҳолидан хабар олишгача, ободончилик ишларида тортиб, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлашгача бўлган савобли ишларга бош қўшмоқда. Бу, албатта, ёш авлоднинг маънавий дунёси юксалиб бораётганидан ва уларнинг жамият дарди билан яшаётганидан далолат беради.

Ёшлик шижоат ва ғайратга тўла давр. Бу пайтда инсоннинг юрагида улкан орзулар, катта режалар жўш уради. Бизнинг давримизда кўпчилик ёшларнинг орзуси бирор завод ёки



билдирилаётган юксак ишончининг амалдаги ифодасидир. Айниқса, АТ паркларида жамланган билимдон ёшларнинг дадил лойиҳаларини мени ҳар доим ҳайратга солади. Улар дунё бозори учун дастурий маҳсулотлар яратиб, янги Ўзбекистон номини юқори технологиялар соҳасида ҳам танитмоқда. Бундай ақл-заковатни кўриб, ёшлигимда шундай имкониятлар бўлганида биз ҳам камида бир “Кремний водийси” яратган бўлармидик деган фикр ҳаёлимдан ўтади.

Азал-азалдан ота-боболаримиз деҳқончилик билан шуғулланиб, ризку рўзини ердан териб келган. Заминга меҳр бериб, ундан мўл ҳосил олиш қон-қонимизга сингиб кетган фазилатдир. Бироқ бир вақтлар оддий деҳқоннинг ўз ерига эгалик қилиши мумкин эмас эди. Бугун эса ёш деҳқон ва фермерларга давлатимиз томонидан ўттиз йилгача муддатга ерлар ижара асосида тақдим қилинмоқда. Бундан ҳам муҳими, уларга уруғ, ўғит ва техника масаласида амалий ёрдам кўрсатилиб, етиштирилган ҳосилини сотиш учун бозорлар яратиб берилмоқда. Бундан унумли фойдаланаётган минглаб ёшларимиз замонавий агротехнологияларни қўллаб, далаларидан мўл ҳосил олмоқда, бозорларимизни эса сархил мева-сабзавотлар билан тўлдирмоқда. Уларнинг заҳматли меҳнати туфайли юртимиз тўкинчилиги таъминланаётгани, дастурхонларимиз обод бўлаётгани кишини қувонтиради, албатта.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Фарида БЎТАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси раиси ўринбосари,
“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони соҳиб



Инсон умрида шундай дақиқалар бўладики, уларнинг нури йиллар, асрлар ўтса ҳам ўчмайди, қалб қирраларида абадий ёруғлик бўлиб қолади. Мен учун ана шундай унутилмас онларнинг бири Президентимиз қўлидан мукофот олиш лаҳзалари бўлди.

Ўша сонияда юрагимда шундай туйғулар гуллаб очилдики, уларни сўз билан ифода этиш қийин. Бу ҳам ифтихор, ҳам шукрона, ҳам масъулият ва халқимиз олдидаги садоқатнинг эътирофи эди. Шундай юксак ишонч, кичик меҳнатнинг катта эътирофи қалбимга чексиз қувонч бағишлади. Бу шон-шухрат эмас, адабиётга янада чуқуorroқ хизмат қилишга чақирикдир.

Мен қўлимда мукофотни эмас, балки бутун халқимнинг меҳри ва ишончини туйиб турганимни ҳис қилдим. Ўша лаҳзада кўз олдимдан кечаю кундуз қилган меҳнат, ижод йўлидаги қийинчиликлар, юракдан қуйиб ёзилган сатрларим кино тасмаси каби ўтди. Шу он менга битта ҳақиқатни янада чуқур англапти: инсон юраги билан хизмат қилса, халқ билар ва Ватан уни албатта қадрлар экан.

Шоир юраги ҳар дам эли ва Ватани билан бирга уради. Шоир Ватанининг



юзи, элининг кўзи, миллатнинг сўзидир. Юрт равақи учун қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракат мен каби ижодкорларга куч, илҳом беради. Юртдаги тинчлик-осойишталик муҳити биз учун энг улуг шеър, энг гўзал достондир.

Шу кунгача 27 та шеърый тўпламим чоп этилди. “Қирқ кўккашнинг”, “Изтироб қўйлағи”, “Тунлар исёни”, “Кўзим ман-ним...”, “Ўзимдан ўзимгача”, “Ўшшоқ”, “Тасбиҳ”, “Ўша кун бугундир”, “Қуздан аразладим”, “Яхшиям...”, “Ўзимники”, “Шуур”, “Мен, сен, у...”, “4 жилдли танланган асарлар тўплами шулар жумласидан. Бундан ташқари, “Қирқ кўшқ”, “Аёл қалби”, “Кел, бугунни байрам қилайлик” аудиокитобларим диск шаклида чиқди.

Шеърларим 16 та хорижий тилларга, яъни рус, инглиз, немис, француз, итальян, корейс, турк, форс, хитой, уйғур, озарбайжон, қозоқ, қирғиз,

Бир қўлида қалам, бир қўлида рўзгор ишлари билан машғул бўлиб ҳам ижоддан, сўздан, илҳомдан узилмаган қанча шоира опа-сингилларимиз бор!

Улар тонг отмасидан уй ишларини адо этиб, болаларига меҳр бериб, кеч қирғанда қаламини қўлига олади. Сатрлар орасига ҳаётининг оғирини ҳам, ширинини ҳам қўшади. Уларнинг ҳар бир мисраси юракнинг қонидан, орзусидан, юртга меҳридан яратилган.

Мен олган унвон — ана шу нурли қалбларнинг ҳам эътирофи. У — сўзга ишонган, шеърга суюнган, қалами билан юракларни титратган барча шоирларнинг муносиби ҳақи.

Бу мукофотни қабул қилар эканман, қалбимда шундай туйғу янгради: мен ёлғиз эмасман. Орқамда минглаб ижодкор аёлларимизнинг илҳоми, меҳнати, юрак қуввати турибди. Шунинг учун ҳам бу унвон — ҳаммамники.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.

34930 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Спорт соҳасидаги ютуқларимиз ҳақида эса соатлаб гапириш мумкин. Ёшлигимизда маҳалладаги кичик майдончалардан бошқа спорт билан шуғулланадиган жойлар деярли йўқ эди. Бугун-чи? Қишлоқлардан тортиб, энг чекка овулларгача замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, бассейнлар қурилмоқда. Олимпия ва Паралимпия ҳаракатларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида оддий қишлоқ болалари ҳам жаҳон чемпиони бўлишни орзу қила олади ва бунга эришмоқда.

Маданият ва санъат соҳасига назар ташласак, бунда ҳам ёшларимизнинг истеъдоди порлаётгани аққол кўзга ташланади. Бир пайтлар унутилаёзган миллий ҳунармандчилик турлари — зардўзлик, қулоччилик бутун ёш устлар қўлида қайта ҳаёт топмоқда. Улар яратган ноёб санъат асарлари халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, бутун дунё аҳлини ҳайратга солаётир. Бу бир томондан ажодлар меросини асраш бўлса, иккинчи томондан мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Мусиқа ва тасвирий санъат йўналишида ҳам ёшларимиз катта саҳналарни забот этаётгани, мақом ва бахшчилик санъати-га қизиқишининг қайта уйғонаётгани келажагимиз буюк эканидан дарак беради.

Спорт соҳасидаги ютуқларимиз ҳақида эса соатлаб гапириш мумкин. Ёшлигимизда маҳалладаги кичик майдончалардан бошқа спорт билан шуғулланадиган жойлар деярли йўқ эди. Бугун-чи? Қишлоқлардан тортиб, энг чекка овулларгача замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, бассейнлар қурилмоқда. Олимпия ва Паралимпия ҳаракатларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида оддий қишлоқ болалари ҳам жаҳон чемпиони бўлишни орзу қила олади ва бунга эришмоқда. Ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шaroитлар яратилган. Натижада ўғил-қизларимиз жаҳон ареналарида, Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни баралла янгра-тмоқда. Уларнинг ғалабаларини кўриб, бутун халқимизнинг қалби фарх ва ифтихорга тўла-ди. Буларнинг замирида ҳам ёшларга қарати-лаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ётибди.

Ҳа, бугунги Ўзбекистон ёшлари — бахтли авлод. Уларнинг олдида барча йўллр очик, барча имкониятлар муҳайё. Улар нимани хоҳласа, қайси соҳани танласа, давлатимиз уларни қўллаб-қувватлашга тайёр. Фан чўққила-рини забот этаман деганлар учун замонавий лабораториялар ва кутубхоналар, санъат ва маданият йўлини танлаганларга кўркам сарой-лар театрлар, ахборот технологиялари билан шуғулланиш истагидагиларга эса инновацион марказлар мунтазир. Шу ўринда ёшларимизга бир зиёли сифатида айтар сўзим бор: бу неъматларнинг, имкониятларнинг қадрига етинг; азиз фарзандларим! Улардан унумли фойдаланиб, нафақат ўзингиз ва оилангиз учун, балки шу муқаддас замин, шу гўзал Ватан учун ҳам камарбаста бўлинг.

Зеро, ҳар бир имконият инсон зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бугунги ёшлар мамлакатда кечаётган ислохотларнинг то-мошабини эмас, балки фаол иштирокчисига айланимоқда. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ма-данияти ортиб, сайловларда, муҳим қонун-лар муҳокамасида ўз позициясини дадил билдирмоқда. Ёшлар парламентлари, маҳал-лалардаги ёшлар етакчилири институти ор-қали уларнинг овози юқори минбарларгача етиб бормоқда. Бу эса янги Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш-нинг муҳим омили ҳисобланади. Сизга бил-дирилаётган ишончини оқлаш, ажодларим-изга муносиб ворис эканингизни исботлаш энг олий вазифангиздир.

Ҳар қил ёшлар билан суҳбатлашганимда, уларнинг кўзидagi ўт, сўзидagi шижоатни кў-риб, келажагимиз ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўламан. Уларнинг билими, дунёқараши бизникидан бутунлай бошқача. Улар ўз олдида катта мақсадлар қўйишдан, янгиликлар яратишдан чўчимайди. Интернет орқали бутун дунё билан мулоқотда бўлади, глобал муаммолар ҳақида фикр юритади, энг муҳими, ўз миллийлигини, ўзлигини унутма-ган ҳолда замонавий дунёга интеграцияла-шини мақсад қилади.

Мухтасар айтганда, бугунги кун ёш-ларига фақат ҳавас қилиш мумкин. Улар учун яратилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар бекиёс. Бундан унумли фой-даланиб, Ватанимиз равақида муносиб ҳис-са қўшиш ҳар бир ўғил-қизининг муқаддас бурчидир.

Мен эса умримнинг сермулоҳаза фасли-да туриб, бир нарсани аниқ айта оламан: агар навқирон ёшларга қайтганимда, шубҳасиз, бу-гунги ёшлар синигари ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланиб, Ватанимга янада кўпроқ хизмат қилишга интилган бўлардим. Янги Ўзбекис-тоннинг бунёдкори бўлиш, унинг тарихида ном қолдириш имкониятидан тўлароқ фойдаланиш-га уринардим.

Ватанимиз мустақиллиги абадий бўлсин, ёшларимизнинг парвози эса янада юксала-версин!

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев

Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 23:05 Топиширди — 23:15